

Қаршида Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1999 йил якунлари, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида Президентимиз Исрол Каримов Олий Мажлис иккинчи чакриқ, биринчи сессиясида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган маърузаларидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 22 феврал, сешанба №28 (860)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Жушқин ҳаёт нафаси

ХАЙРИЯ

«Экосан» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлимининг ташаббуси билан юқумли касалликларга қарши қўллаш учун 570 минг сўмлик дори-дармон келтирилиб, тиббиёт муассасаларига тарқатилди. Бу хайрия ёрдамидан биринчи навбатда кам таъминланган, муҳтож беморлар баҳраманд бўлди.

ция, Туркия давлатлари-га жўнатилган ва «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси босилган маҳсулот пишиқлиги, сифати билан ажралиб туради. Зеро, корхонада қайта ишланган толаннинг қарийб 70 фоизи фақат биринчи навларга қабул қилинмоқда.

қисми хоржий давлатларга экспорт қилишга мўлжалланаётганлиги, айниқса эътиборга сазовордир. Айни пайтда корхонани қайта жиҳозлаб, замонавий технологик ускуналар ўрнатилишлари бошлаб юборилди. Бу масъулиятли вазифага дунёнинг етакчи фирмалари жалб этилган. Корхона тўлиқ ишга тушган, йилга 10 минг тонна болалар таомлари ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

лари меҳнат қилмоқда.

БИР КОРХОНА ИМКОНИЯТИ

«Ризқ» ҳиссадорлик жамияти аҳоли учун нон, қандолат ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга асосида ташкил этиш эвазига бултур 457 ярим миллион сўмлик маҳсулот сотди. Бу аввалгиларга нисбатан икки баравар ортқидир. Хозир корхонада 108 турда маҳсулот тайёрланапти. Бунинг аксар қисмини нон ва қандолат маҳсулотлари ташкил этади. Лекин жамият расиси Кўчқорбой Юсуповнинг айтишича, бу чегара эмас. Бу йил яна 10 турда янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Шунингдек, цехлар, савдо дўконлари бунёд этилади.

/Ўза/

ХОРИЖЛИК ҲАМКОРЛАР КЎМАГИДА

Каттакўрғонда фаолият кўрсатаётган «Болалар таомлари» холдинг компанияси билан Американинг «Тексупа интернэшнл» компанияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Унга мувофиқ мазкур корхонада кичик-китойлар учун жаҳон андозаларига мос, махсус пластик идишларга қadoқланган турли хил мева ва सबзавот маҳсулотлари тайёрлана бошланди. Юқори сифатли маҳсулотнинг асосий

СОҒЛОМ АВЛОД БОҒИ

Бухоро шаҳридаги Сайфиддин Бохарзий ва Боёнқулихон мақбараси ёнида саккиз гектардан зиёд майдонни эгаллаган улкан боғ барпо этишга киришилди. Янги оромгоҳ «Соғлом авлод боғи» деб аталадиган бўлди. Боғни барпо этишда ўнлаб қурилиш ташкилотларининг 500 нафардан зиёд қурувчи-

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ - ЭКСПОРТГА

Оқдарё туманидаги «Янгиқўрғонпахта» ҳиссадорлик жамияти жамоаси қувончли ютуқларга эришмоқда. Меҳнат жамоаси 1999 йил ҳосили - 10 минг тоннадан зиёд хомашёдан сифатли тола ажратиб, буюртмачиларга етказиб берди. АКШ, Польша, Ҳиндистон, Австрия, Бельгия, Фран-

САРҲИСОБ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Андижонда вилоятни 1999 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда давлатимиз раҳбари Исрол Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чакриқ, биринчи сессиясида ва Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинарда сўзга чиққанлар ҳисобот даврида барча жабҳаларда ислохотларни янада чуқурлаштиришда муайян ютуқларга эришилганини таъкидлаш билан бирга, бу борада ҳали ечимини кутаётган муаммоларга асосий эътиборни қаратди. Жумладан, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш, хоржий сармояларни жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил этиш борасидаги ишларни талаб даражасида деб бўлмайдди. Қишлоқ ҳўжалигида оила пудрати, ижара муносабатлариға ўтишни жадаллаштириш, шартнома мажбуриятларини бажариш масъулиятини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Кенгашда дехқон ҳўжалиқларида етиштирилган маҳсулотларни қабул қилиб олиш, ҳисоб-китобни ўз вақтида бажариш, фермер ҳўжалиқларга ер ва кредит бериш, маҳсулотни қайта ишлайдиган мини-заводлар, ишлаб чиқариш цехларини очиб йўлидаги турли тўсиқ ва ғовларни тезроқ бартараф этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Хитойда 83,5 минг киши транспорт ҳалокати туфайли нобуд бўлди. 286 минг киши жароҳатланди. Мамлакат жамоат хавфсизлиги хизмати маълумотиға қараганда, 1999 йилда жами 413 мингта яқин транспорт ҳалокати юз берган ва бу 1998 йилдаги кўрсаткичға қараганда 20 фоиз кўп. Мамлакат иқтисодиёти бундай ҳодисалардан 250 миллион АКШ долларини қилдирида зарар кўрган.

(Ўза)

П Е К И Н. Ўтган йили

NIMA GAP

ТЕЖАМКОРЛИК БОШ МАҚСАД

Мижозлар эҳтиёж ва талабларини ўрганиб, меҳнат қилаётган Кўқон шаҳар машинасозлари истеъмол моллари цехи негизда ташкил этилган ижарадаги «Кулолчи» кичик корхонаси фаолиятини ҳам бозор иқтисодиёти талаблари асосида қайта қўришди. Бугунги кунда бу ерда тежалар металл қичитлари ҳисобидан ҳўжалик аравачалари, белқурақлар, эшик-де-разалар учун ошиқ-мошиқлар, илгалар, металл панжаралар билан бир қаторда қулочлик маҳсулотлари - идиш-товоқ чойнак ва кўзачалар ишлаб чиқарилмоқда.

Яқинда корхонада ортиқча сарф-харajatларнинг олдидан олиш мақсадида яна бир янгилик жорий этилди. Техник-ташкилий тадбирлар асосида ва «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси тасарруфидаги илмий-та-

дқиқот институти мутахассислари билан ҳамкорликда заводнинг барча ишчи ўринлари қайтадан синондан ўтказилди.

— Бозор иқтисодиёти биздан ҳар соҳада тежалар билан ишбилармон бўлишни талаб этаётди, — дейди завод директори Баҳромжон Рўзиматов. — Акциядорлик жамиятиға ўтганимиз эса меҳнатни ташкил этиш ишларига илмий асосида ёндошишни талаб қилмоқда. Кам ҳаражат қилган ҳолда сифатли, пишиқ ва арзон маҳсулотлар ишлаб чиқаришға эришиш айни шу куннинг муҳим вазифасидир. Жамоани унумли меҳнат қилиши учун буюртмалар етарли.

OLAMDA

С И Д Н Е Й. Австралия БМТ ташриф буюрган БМТ Бош котиби Кофи Аннан Бош вазир Жон Говард билан учрашиб, расмий Канберранинг Шарқий Тиморда тинчликни қарор топтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади. Австралия ҳукуматининг кўмаги билан БМТ ўшбу муаммони бартараф этишға муваффақ бўлди, деди Бош котиб матбуот анжуманида. Жумладан, Шарқий Тиморға киритилган халқаро тинчликни сақлаш қучларининг асосий

қисми Австралия ҳарбийлари эди, улар барча тадбирларда фаол иштирок этди.

В И Н Д Х У К. Гвинея-Бисауда иккинчи бор президентлик курсисига ўтирган Кумба Йала ўтган куни 24 кишидан иборат вазирлар маҳкамаси таркибини эълон қилди. Бош вазир лавозимини Газтану Нчама эгаллади. К.Йала ўтган йилнинг ноябрида кўппартиявийлик асосида бўлиб ўтган президент сайловида ғолиб чиққан эди.

ЙИЛ ЯКУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикасининг 1999 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда мамлакатимиз Президентини Олий Мажлис иккинчи чакриқ биринчи сессиясида ва Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинарда Қорақалпоғистон Республикасида ислохотларни чуқурлаштиришда бир қатор ижобий натижаларга эришилгани таъкидланди. Жумладан, саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 5,1 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,5 фоиз ортди. 1998 йилга нисбатан пахта сотиш 40 минг тонна, шולי тайёрлаш 43 минг тоннаға кўпайди. Қурилиш мажмуида 32 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Шу билан бирга, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, қишлоққа янги технологиялар келтириш, хоржий инвестицияларни жалб этиш, қимматли қозғаларни сотиш, мулкдорлар синфини шакллантириш, кредит ажратилиш ҳамда қўшма корхоналар ташкил этиш борасида талайгина тўсиқ ва муаммолар мавжудлигиға эътибор қаратилди. Баъзи ҳиссадорлик жамиятлари, ширкат ҳўжалиқларида мулк шакли номиғагина ўзгарган бўлиб, қўрилган самараға эришилмапти, 67 та ширкат ҳўжалигидан 40 таси йилни зарар билан якунлаган.

Семинарда ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг устувор вазифаларини изчиллик билан амалға ошириш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари - Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Ҳ.Исмоилов сўзға чиқди.

А. ИСКАНДАРОВ.

СПОРТ БАЙРАМИГА АЙЛАНДИ

Муҳташам «Юнусобод» спорт мажмуида ўтказилган юнон-рум кураши бўйича «Мустиқлик кубоги» баҳслари ниҳоясига етди. Гран-При туркумиға кирувчи бу нуфузли халқаро мусобақада жаҳоннинг 36 мамлакатидан ташриф буюрган 142 нафар спортчи саккиз вазн тоифасида Сидней олимпиадаси йўлнамаларини қўлга киритиш учун кураш олиб борди. Қизгин кечган беллашуларда Украина, Россия, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Исроил, Арманистон, Озарбайжон ҳамда Ватанимиз юнон-рум кураши усталари ғолиблик учун даъвогарлик қилдилар.

Ниҳоят ғалвир сувдан кутарилди, ғолиблар аниқланди. 54 килограмм вазн



тоифасида ҳамюртимиз Шамсиддин Худойбердиевни 4:2 ҳисобида мағлуб этган Хитой вакили Ванг Хю Ай шохсўпаға кўтарилган бўлса, қирғизистонлик Иран

нян барча рақибларидан устун келиб биринчи ўрин соҳиби бўлди. Александр Сте-



панян (Украина) ва Мокото Сасомото (Япония) лар кейинги ўринларни эгаллашди. Шунингдек, россиялик Николай Манов (63 килограмм), озарбайжонлик Ис-

лом Дагучиев (69 килограмм), жанубий корейлик Ким Жим Су (76 кило-



грамм), норвегиялик Ланис Фрээс (85 килограмм) ҳамда украинлик Давид Солдадзэ (97 килограмм)ларға ҳам ўз тоифаларида тенг келадиган рақиб топилмади. Энг

огир, яъни 130 килограмм вазн тоифасида эса туркиялик Бакир Фотих финал баҳсида рақиб Швеция курашчиси Эдди Венсонни таслим этди.

Афсуски, мусобақа аввалида ғолибликка асосий даъвогарлар сифатида эътироф этилган юртимиз курашчилари ўз имкониятлари даражасида қатнаша олмадилар. Олти нафар ҳамюртларимиздан фақат Шамсиддин Худойбердиев (54 килограмм), Евгений Ерофемов (76 килограмм) ва Алексей Чеглаков (97 килограмм) ларгина совиндорлар сафидан жой олишди, холос. Ш.Худойбердиев ва Е.Ерофемов хитойлик Ванг Хю Ай ҳамда жанубий корейлик Ким Жим Суларға финалда имкониятни бой беришган бўлса, А.Чеглаков эса учинчи ўрин билан кифояланди.

К. ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Ўтган йили Берлинда Лукас ва Мари исмлари энг кўп учрайдиган ном сифатида қайд этилди.

ЖАР олимлари тупроқ таркибини аниқлаб берадиган микро-радар иختиро қилди. Бу асбоб ёрдамда олтин, платина ва бошқа қимматли рангли металларнинг захираларини топиш мумкин.

2000 йилги олимпиада уйинлари бўлиб ўтадиган Сидней шаҳрида бузғунчиларнинг ўшювсиз қилиқлари натижа-сида яроқсиз ҳолға келиб қоладиган метро вагонларнинг ўзиниғина таъмирлаш учун 20 миллиард АКШ долларини микдориде маблағ сарфла-ниши мумкин экан.

2000 йил
УЧУН

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ

Тавсия

1

Меҳнат муносабатлари ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномаларининг аҳамияти тобора ўсиб бормоқда, чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб берган.

Ходимлар ҳуқуқ кафолатларининг қонунчиликда белгиланганидан юқори даражасини ўрнатиш, меҳнат муносабатларини самарали равишда тартибга солиб туриш масаласи корхона, ташкилот, муассасаларнинг ўзларида жамоа шартномалари орқали ҳал этилиб, асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Жамоа шартномалари, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсунуши ва ходимлар сонидан қатъий назар, корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади.

Меҳнат жамоаси мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма кўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси норматив-мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши олдидан иш берувчи билан касаба уюшма ўртасида музокаралар олиб борилади, касаба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Музокаралар олиб боришдан мақсад, бир томондан, корхонанинг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган қарорларни ишлаб чиқиш бўлса, иккинчи томондан, ходимларнинг турмуш даражасини ошириш, тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, меҳнат қилиш учун соғлом ва хавф-хатарсиз шароитни яратиш билан қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишидир.

Музокаралар томонларнинг ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, ҳақиқий молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш, томонларнинг олган мажбуриятларини бажариш учун масъулияти асосида олиб борилади.

Музокаралар давомида ўзаро ва алоҳида мажбуриятлар, жамоа шартномаларини тузиш ва уларни бажариш йўллари, келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби муҳокама қилинади.

Жамоа шартномасини тузиш юзасидан музокаралар икки томоннинг келишуви асосида олиб борилади, иш берувчи томонидан музокарада раҳбар ёки унинг ваколатли ходими, касаба уюшмаси томонидан - касаба уюшма кўмитасининг раиси қатнашади.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг баробар сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Вакиллар сони камида уч баённомаларини таҳлил қилиб чиқишлари керак, бу - музокара жараёнида жамоа фикрига таяниш имконини беради.

Айни пайтда корхонанинг ҳўжалик ва молиявий фаолияти натижалари таҳлил қилиб чиқиши лозим бўлади.

Касаба уюшма кўмитасининг асосий мақсади - ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясининг имкон доирасидаги энг юқори даражасини таъминлайдиган тақдирлар ҳамда мажбуриятларни жамоа шартномасига киритилишига эришишдир.

Иш берувчининг мақсади - ишлаб чиқариш сарф-харажатларини, шу жумладан ишчи кучига сарфланадиган харажатларни қисқартириш эвазига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг юқори рақобатбардошлигини таъминлаш, ва пирова-

2

вард натижада кўпроқ фойда олишидир.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари ёмонлашганда ходимлар даромадининг юқори даражасини сақлаб қолиш - мантқиққа эйд бўлиб, ҳўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ноҳор аҳволга тушиши ҳатто банкрот бўлишига олиб келадиган йўлдор. Мулкдор ҳам, ходимлар ҳам бундан манфаатдор эмаслар.

Айни пайтда иш ҳақининг ҳаддан ташқари паст даражаси меҳнат сифатига путур етказиши ва ижтимоий тангликка олиб келади.

Бундан келиб чиқадиги, жамоа шартномаси - фақатгина ишчилар хоҳиши ва иш берувчининг имконияти ўртасидаги мувозанатни белгиловчи ҳужжат эмас. Музокараларга тўғри ёндошилган тақдирда бу ҳужжат - иш берувчининг ҳам, ходимларнинг ҳам юқори даромад олишларига кўмаклашувчи ҳужжат бўлиши мумкин.

Баъзи давлатларда бундай амалиёт муваффақиятли қўлланилмоқда.

Чунинчи, АҚШда 80-йиллардан бери, иш ҳақининг маълум қисмини фирманинг рентабеллик даражаси билан боғлаш шарт қўйилган битим ва жамоа шартномаларининг сони кўпайди. Уларда америкалик иқтисодчи проф.М.Вейцман тақдир этган «ходимнинг фойдада пайчилик асосида иштирок этиши таъминланган иш ҳақи тизими» қўлланилади.

Японияда бундай ёндошув бундан ҳам аввал жорий этилган бўлиб «меҳнат маслаҳатлари тизими», деб номланган ва «меҳнат унумдорлиги учун ҳаракатнинг 3 тамойили»ни ўз ичига олади, яъни:

1. Бандликни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш;
2. Ишчилар билан маъмуриятнинг меҳнат соҳасида бамавсаҳатлиги ва ҳамкорлиги;
3. Маъмурият, ишчилар ва истеъмолчилар ўрта-

сида меҳнат натижаларини адолатли расамда қилиш. Бошқача айтганда, юқори даромад, ижтимоий кафолатлар ва имтиёزلарни ишчилар ҳам, маъмурият ҳам «ишлаб топишлари» лозим.

«Меҳнат маслаҳатлари тизими»нинг баъзи жиҳатларини қўллаган ҳолда жамоавий музокараларни йўлга қўйиш ва жамоа шартномаси мазмунига бу тарздаги «мажмуавий» ёндошувни жорий этиш учун корхона фаолиятининг пировард натижаларига эришишдан меҳнат жамоасининг ҳиссасини холис баҳоллаш имконини берувчи мезонни танлаб олиш керак бўлади. Бундай мезон сифатида турли кўрсаткичлар, масалан, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг ошиши, ялпи ёки соф фойданинг кўпайиши, рентабеллик ёки ишлаб чиқариш унумдорлигининг юксалиши, ашёларни тежаш, маҳсулот сифатига рекламациялар йўқлиги, товар айланмасининг ўсиши ва бошқа кўрсаткичлар қабул қилиниши мумкин.

Айни пайтда, ушбу кўрсаткичларнинг биронтаси ҳам барча ҳолларга мос келадиган умумий кўрсаткич бўлиб хизмат қила олмайди ва меҳнат жамоаси ҳиссасидан ташқари бошқа омилларга ҳам боғлиқдир. Масалан, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги нафақат ходимларга, балки корхонани хом ашё ва бошқа ашёлар билан ўз вақтида таъминлашга ҳам боғлиқ. Ходимларнинг меҳнат ҳиссасидан қатъий назар, маҳсулотнинг харидориги эмаслиги, бошқарувдаги хатолар, талаб ва тақдир ўзгариши, қўлланма ҳодисалар ва бошқа сабабларга қўра соф фойда камайиши мумкин. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сермеҳнат жараёнларга асосланган бўлса, ашёлар тежалишининг пировард натижага сезиларли таъсири бўлмайди.

Демак, «меҳнат жамоасининг ҳиссаси» мезони ҳар

3

бир ҳўжалик юритувчи субъектнинг муайян хусусиятлари ва фаолият турига боғлиқ бўлиб, ўзаро маслаҳатлашув жараёнида танланиши лозим. Баъзида ушбу мезон сифатида, ҳисобга олинмайдиган даврда «меҳнат интизоми бузилишлари сони» ҳам хизмат қилиши мумкин.

Шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш таннархига кирувчи иш ҳақининг тариф қисми ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ тўловларга нисбатан «меҳнат маслаҳатлари тизими» тадбиқ этилмаслигини касаба уюшма кўмитаси талаб қилмоғи лозим. Бундан ташқари, ижтимоий кафолатларнинг маълум қисми (масалан, дафн маросими учун моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар) пировард натижалардан қатъий назар белгиланиши керак.

Мазкур тавсиялар иловасида «меҳнат жамоаси ҳиссаси» билан боғлаш мақсадга мувофиқ бўлган ижтимоий имтиёз ва кафолатларнинг тавсиявий рўйхати келтирилган.

Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун маблагни шакллантиришда қуйидаги харажатлар ўртасида оқилна мутаносибликни таъминлаш мўҳимдир:

- * ходимларнинг меҳнат ҳиссаси билан боғлиқ тўловлар (иш ҳақини кўтариш);
- * ходимларнинг меҳнат ҳиссаси билан боғлиқ бўлмаган сарф-харажатлар (ижтимоий имтиёз ва кафолатлар);
- * ходимларнинг ишлаш қобилияти ва меҳнат сифатини сақлаб қолиш билан боғлиқ сарф-харажатлар (меҳнат муҳофазаси);
- * ходимларнинг ишлаш қобилияти ва меҳнат сифатини юксалтириш билан боғлиқ сарф-харажатлар (инсоний капиталга сармоялар).

Инсоний капиталга сармоялар - соғлиқни сақ-

лашга (шу қаторда соғломлаштиришга ҳам), таълимга ва ишчи кучининг тезкорлигини таъминлашга йўналтириладиган сарф-харажатлардан ташкил топади.

Мазкур масалалар бўйича музокаралар кейинчалик комиссиянинг мунтазам олиб бориладиган мажлисларида давом эттирилиб, уларда долзарб масалалар мажмуи муҳокама этилади. Бу масалалар тақдир, талаб, ўзаро мажбуриятлар шаклида, эҳтимол жамоа шартномасининг муқобил варианты шаклида ҳам расмийлаштирилиши лозим.

Муҳокама этилаётган масалалар юзасидан икки томон бир фикрга келганидан кейин комиссия жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишга киришади.

Жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда тақдирлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси умумий мажлисида маъқулланганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

Жамоа шартномасида қуйидаги бўлимларнинг ақс этирилиши мақсадга мувофиқдир.

I. Умумий қоидалар

- 1.1. Жамоа шартномаси томонлари.
- 1.2. Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш муддати.
- 1.3. Жамоа шартномасининг ходимлар тоифалари, корхона бўлинмаларига нисбатан амал қилиш доираси, меъёрий ҳужжат сифатидаги мақоми.
- 1.4. Жамоа шартномасини қайта тузиш шартлари, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тар-

4

тиби.

1.5. Жамоа шартномаси ижросини оммавий тарзда текшириш муддатлари.

1.6. Касаба уюшма кўмитаси тақдимномаларини иш берувчи томонидан кўриб чиқиш муддатлари ва мажбуриятларни бажармаганларга нисбатан кўриладиган чоралар.

1.7. Келишмовчиликларни ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ҳал этиш йўллари.

II. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. Касаба уюшма томонидан ишлаб чиқаришни юксалтириш ходимлар фаровонлиги негизи эканлигини эътироф этилиши.

2.2. Иш берувчи томонидан касаба уюшма кўмитасини корхона ходимларининг ягона ваколатли вакили сифатида тан олиниши.

2.3. Томонлар касаба уюшмаси аъзолик бадалларининг корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиши тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

2.4. Иш берувчининг мажбуриятлари:

- а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин касаба уюшма кўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;
- б) касаба уюшма кўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;
- в) касаба уюшма кўмитасининг уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш;
- г) касаба уюшма кўмитаси ҳисоб рақамига мада-

ний-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишлари учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг ___ % миқдоридан пул ўтказиб бориш

2.5. Касаба уюшма кўмитасининг мажбуриятлари:

- а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларининг бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодийлиги қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;
- б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрисида, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;
- в) меҳнат қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш;
- г) иш жойларидаги мавжуд камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва санаят санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;
- д) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг дам олиши ва соғломлашни учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўналмаган билан таъминлаш;
- е) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- ж) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоминини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, моҳораларга олиб келувчи вақитларни олди-

5

ни олишга қаратилган чоралар кўриш;
з) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

III. Ишлаб чиқариш - иқтисодий фаолият

- 3.1. Жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми.
- 3.2. Режалаштирилган фойда миқдори ва уни тақсимлаш йўллари.
- 3.3. Хом ашёни етказиб бериш шартномалари ва тайёр маҳсулотни сотиш.
- 3.4. Корхона таъсислигида барпо этилган қўшма, кичик ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатишининг шартлари.
- 3.5. Ишлаб чиқариш дастурининг бажариламлиги, молиявий аҳвол ва корхона фойдасидан фойдаланиш тўғрисида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш тадбирлари.
- 3.6. Ходимларни бозор муносабатларининг энг долзарб масалалари бўйича ўқитиш шарт-шароитлари.

IV. Мулк шакллариининг ўзгариши (хусусийлаштириш)

- 4.1. Касаба уюшма кўмитаси вакилини ҳал қилувчи овоз билан хусусийлаштириш бўйича комиссия таркибига киритиш.
- 4.2. Хусусийлаштиришнинг асосий шакллари ва уни ўтказиш муддатлари, масъул мансабдор шахслар.
- 4.3. Корхона тасарруфидаги мол-мулкни касаба уюшма кўмитасининг розилигисиз сотилиши, бошқаларга ўтказилиши, ижарага берилишига йўл қўймастик.

4.4. Мулк шакллариини ўзгартиришда унинг у ёки бу вариантини танлашда меҳнат жамоаси фикрини ҳисобга олиш.

4.5. Хусусийлаштириш ва корхона мулкни баҳолаш бўйича комиссия таркибиде касаба уюшма кўмитаси вакилининг иштирок этиши.

4.6. Акцияларни тайёрлаш ва тақсимлаш тартиби.

4.7. Хусусийлаштирилгандан кейин ижтимоий инфратузилма объектларининг фаолият кўрсатиш тартиби.

4.8. Хусусийлаштириш жараёнида ходимларнинг айрим гуруҳларига имтиёزلар бериш.

4.9. Аввал тузилган жамоа шартномасини корхона хусусийлаштирилганидан кейин амал қилиш муддатлари ва шартлари.

V. Меҳнатга ҳақ тўлаш

- 5.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва ҳажми.
- 5.2. Ягона тариф сеткаси нуллик разрядининг маъмурият корхонада ўрнатилмайдиган ставкаси, ўртача иш ҳақи етказиладиган даражаси.
- 5.3. Иш ҳақини тўлаш муддатлари. Иш берувчи (ёки унинг вакили сифатида қатнашувчи шахс)нинг айби билан иш ҳақини тўлаш кечиктирилганда, унинг миқдорини индексация қилиш масаласи, раҳбарга нисбатан кўриладиган чоралар.
- 5.4. Ходимларнинг турли гуруҳлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низо.
- 5.5. Иш вақтининг янги нормаларини жорий этиш тартиби.
- 5.6. Ишлаб чиқариш нормаси камайтирилган шахслар (ногиронлар, ёш ишчилар, ҳомилдор аёллар ва бошқалар) рўйхати.
- 5.7. Ходимлар тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсациялар

6

нинг аниқ миқдорлари:

- ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;
- кечки, тунги сменалардаги, ишдан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдордаги иш ҳақи;
- ишдаги климат шароитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;
- бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўриндошлик учун қўшимча тўловлар;
- кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;
- ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча харажатларини, шунингдек, бошқа жойга кўчиб бориш билан боғлиқ харажатларини, хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини қоплаш;
- қишлоқ ҳўжалик ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;
- иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоблар, ашёлар ва ҳоказо)дан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш;
- ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари;
- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазиёларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик тақдирларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарига бўлиш, тиббий кўриқдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори
- 5.8. Йил ақунлари бўйича муқофотлаш, тақдирлаш тизимлари.
- 5.9. Қўшимча имтиёزلар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатларини қоплаш ва ҳоказо).

VI. Меҳнат шартномаси. Бандлик кафолатлари

- 6.1. Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўқис иш билан таъминлаш.
- 6.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши фақатгина касаба уюшма кўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга ошириш (корхона тугатилган ва корхона раҳбари билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).
- 6.3. Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишга қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлаш. Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган иш ҳақининг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар мезонлари.
- 6.4. Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларини қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларини ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касаба уюшма кўмитасига камида икки ой олдин етказиш.
- 6.5. Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни уюштириш.
- 6.6. Ходимлар сони қисқартирилаётганда:
 - а) ишдан бўшаган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;
 - б) вақтинча ишлайдиган ходимларнинг сонини чегаралаш, ўриндошликни таққиллаш, четда бажарила-

У ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

7

диган ишларни жамоанинг ўзига бериш;
в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллار бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги оғохлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан оғохлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) меҳнатга жойлаштириш ва касбга ўргатиш билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

е) меҳнат бозорига рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифалари

6.7. Меҳнат шартномаси томонларнинг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирган зарарни қоплаш тўғрисидаги даввосидан воз кечиш ҳоллари. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимлар тоифаларининг рўйхати.

VII. Иш вақти ва дам олиш вақти

7.1. Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги (соат):

- нормал меҳнат шартлоаридаги ишларда банд бўлган ходимлар учун, (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортик бўлиши мумкин эмас)

- меҳнат шариоти ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловда келтирилган рўйхатга мувофиқ; (МК 117-моддасига биноан: 36 соатдан ортик бўлиши мумкин эмас)

- 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 36 соатдан ортик бўлиши мумкин эмас)

- 16 ёшга тўлмаган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 24 соатдан ортик бўлиши мумкин эмас)

- I ва II-гурӯх ногиронлари бўлган ходимлар учун; (МК 220-моддасига биноан: 36 соатдан ортик бўлиши мумкин эмас)

алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шариоти ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун; (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорига кўрсатилган меъёрлар)

- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун; (МК 228-моддасига биноан: 36 соатдан ортик бўлиши мумкин эмас)

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги

7.4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўлаш тартиби, шунингдек, ҳисобга олинмаган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар

7.5. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътилларнинг энг кам муддати

7.6. Қўшимча таътиллари олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллари муддати, уларни бериш тартиби ва шар-

8

тлари

7.7. Йиллик қўшимча таътиллари олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари

7.8. Табиий-иқлим шариотлари оғир ва ноқулай жойларда (ҳатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи

7.9. Йиллик таътиллари учун ҳақ тўлаш муддатлари

7.10. Болалик аёл ходимлар учун:

- болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўйиш шартлари;

- икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танафусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби

7.11. Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллари бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллари вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўйиш шартлари

7.12. Ходимларга оилавий сабабларга кўра, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш ҳақи сақланиб қолдирилмаган қўшимча таътиллари (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари

VIII. Меҳнат муҳофазаси

8.1. Иш жойларидаги меҳнат шариотларини, меҳнат муҳофазасини ва хавфсизлик техникаси аҳолини яхшилаш бўйича тадбирлар ўтказиш учун зарур бўлган маблағ ва ашёлар ажратилишини кўзда

тутиш ва уларни ишлатиш тартиби

8.2. Меҳнат шариоти ноқулай ишларнинг рўйхати, бу ишларда банд бўлган ходимларга бепул берилмаган сут (ёки шунга тенг озик-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озик-овқати, газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), маҳсус кийим-бош, маҳсус пойабзал, бошқа шахсий химоя ва гигиена воситаларининг нормалари, таъминот тартиби ва ва шартлари.

8.3. Меҳнат шариоти ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни корхона ҳисобидан тиббий кўриқдан ўтказиш муддатлари

8.4. Асбоб-ускуналар, машина ва механизмларни хавфсизлик талабларига мувофиқ ҳолга келтириш

8.5. Ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини техник жиҳатдан қоникарли ҳолда сақлаш

8.6. Иш жойларида чангланлиш, ифлосланиш, шовқин ва тебранишларнинг нормада бўлишини таъминлаш, иш жойларида об-ҳаво, намоғарчилик режими ва ёруғликнинг нормал бўлишига эришиш

8.7. Оғир меҳнат шариотларида банд бўлган ходимлар сонини камайтириш чоралари, бундай ишларда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишдан воз кечиш

8.8. Меҳнат шариотлари ва муҳофазаси қоидаларига мувофиқ иш жойларини паспортлаштириш ва аттестация қилишни ўтказиш

8.9. Куз-киш даврида ишлашга тайёргарлик кўриш юзасидан тадбирлар бажарилишини назорат қилиш

8.10. Ходимлар айрим гуруҳларини маҳсус кийим-бош билан қўшимча таъминлаш шартлари

8.11. Ўз вақтида ювиш учун маҳсус кийим-бошини икки комплектада бериш масаласини кўриб чиқиш

8.12. Озик-овқат, сут, витаминли дори-дармонлар ва ҳоказоларни бепул бериш

9

8.13. Ходимларни корхона ҳисобидан бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан сугурта қилишнинг аниқ миқдорлари

8.14. Бахтсиз ҳодиса оқибатида ногирон бўлиб қолган ходимга ва бахтсиз ҳодиса оқибатида нобуд бўлган ходим оиласига тўланадиган бир марталик ёрдам пулининг миқдорлари

IX. Меҳнат интизоми

9.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазибалари бажарилишини мавжуд меъёрли ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона қўлланмаси, ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши

9.2. Ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш

9.3. Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш

9.4. Ходимларнинг корхона (тармоқда)ги узлуксиз меҳнат стажини саналарини нишонлаш

X. Ижтимоий имтиёз ва кафолатлар

10.1. Болалик аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларга берилмаган қўшимча имтиёзлар

2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши муносабати билан, молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги имтиёзларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир:

- болалар дам олиш оромгоҳлари, санаторийларига йўлланмалар қийматини қисман қоплаш;
- ходимлар фарзандлари учун дарсликлар, ўқув анжомлари ва мактаб формасини харид қилиш;

- ходимлар фарзандлари спорт секцияларида шуғулланишлари харажатларини қоплаш;

- болалик аёлларга қисқартирилган иш кунини ёки қўшимча дам олиш кунини берилишини таъминлаш;

- кўп болалик аёллар учун ижтимоий химоя жамгармасини ташкил этиш;

- штатлар қисқартирилганда болалик аёлларга ишда қолдиришда афзаллик бериш;

- корхона ҳисобидан туғиш таътиллари 5 ойгача узайтириш;

- 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бор аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш;

- бошқа тадбирлар

10.2. Ходимларнинг турли гуруҳлари, шунингдек, корхонадан пенсияга чиққанлар учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий сугурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санатория-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо

(Маъмур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш мақсадга мувофиқдир).

10.3. Ходимларнинг турли гуруҳлари, шунингдек, корхонадан пенсияга чиққанлар учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий сугурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санатория-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо

(Маъмур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш мақсадга мувофиқдир).

11

ган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузгунарига қадар сақлаб қолади.

Корхона таркиби, структураси, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди.

Корхона мулк эгасини ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томонларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

«Жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсияларга илова»

Жамоа шартномасини тузиш бўйича музокаралар жараёнида меҳнат маслаҳатларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлган ижтимоий имтиёз ва кафолатларни ўрнатиш учун сарф-харажатларнинг тавсиявий рўйхати (ҳужалик юритувчи субъектлар - юридик шахсларнинг солиқ солинадиган базасига киритилмаган харажатлар)

I. Корхона фаолиятининг

иқтисодий кўрсаткичларидан қатъий назар, жамоа шартномасида кўзда тутиш мақсадга мувофиқ бўлган тўловлар

1.1. Ходимларга кўрсатилмаган моддий ёрдам:
- қариндошларининг дафн маросимига
- тиббий офат ва бошқа фавқулодда ҳодисалардан зарар кўрганда.

1.2. Пенсияга чиқётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар.

II. «Меҳнат жамоасининг ҳиссаси» оширилишига боғлаш мақсадга мувофиқ бўлган харажатлар

2.1. Айрим тармоқлар ходимларига бепул кўрсатилмаган коммунал хизматлар, берилмаган овқатлар, маҳсулотлар қиймати, ходимларга бепул берилмаган уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (бепул берилмаган уй-жой, кўрсатилмаган, коммунал хизматлар ва шу кабилар учун пул компенсацияси суммаси).

2.2. Моддий ёрдам (шу жумладан кооператив уй-жой қурилишига бошланғич бадал учун, кооператив ва яққа тартибда уй-жой қурилишига берилган кредитни қисман тўлаш учун ходимларга бепул моддий ёрдам).

2.3. Жамоа шартномаси бўйича ходимларга қўшимча равишда (қонунчиликда назарда тутилгандан ортикча) берилган таътиллари, улар бўйича компенсация тўловлари.

2.4. Ходимларга берилмаган маҳсулотлар (иш-

10

XIII. Касаба уюшма кўмитаси ва касаба уюшма сайланма фаоллари фаолиятининг кафолатларини таъминлаш

13.1. Асосий ишдан озод қилинган касаба уюшма ходимларини меҳнат жамоаси аъзоси (акциядор) сифатидаги ҳуқуқлари, уларга корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, уларнинг корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стажини сақлаб қолиниши

13.2. Корхона Устави лойиҳаси ҳусусида касаба уюшма кўмитаси билан мажбурий равишда келишиб олиш

13.3. Асосий ишдан озод қилинмаган касаба уюшма сайланма ходимларининг касаба уюшма вазибаларини бажариш учун кетган вақтига ҳақ тўлаш

Жамоа шартномасига иловаларнинг тавсиявий рўйхати

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича келишув
2. Ходимларни жорий мукофотлаш тўғрисидаги низоми
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низоми
4. Корхонада қабул қилинган тарификация
5. Кўп йиллик хизматлари учун устама тўлаш тўғрисидаги низоми
6. Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низоми
7. Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низоми
8. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низоми

9. Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда харажатларни қоплаш тўғрисидаги низоми

10. Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисидаги низоми

11. Маҳсус кийим-бош, маҳсус пойабзал ва бошқа яққа тартибдаги химоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати

12. Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати

13. Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати

14. «Ишлаб чиқариш зарурати» деб эътироф этиладиган ҳолатлар мезонлари

15. Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш кунини ўрнатилмаган ноқулай меҳнат шариотларидаги касб ва лавозимлар рўйхати

16. Ички тартиб қоидалари

17. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузган ходимлар рўйхати

18. Йиллик узайтирилган ёки қўшимча таътил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати

19. Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда қўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низоми

20. Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низоми

21. Корхонани капитал таъмирлаш ишлари режаси

22. Қишки-баҳорги ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш режалари

Юқорида баён қилинган тизимга мувофиқ тузил-

12

лар, хизматлар) ёки ҳўжалик юритувчи субъектнинг умумий овқатланиш учун ёрдамчи ҳўжаликлар тайёрлайдиган маҳсулотлар нархлари бўйича тафовутлар.

2.5. Ҳўжалик юритувчи субъект раҳбари қарорига кўра амалга ошириладиган, ишлаб чиқариш ходимларининг қонунчиликда назарда тутилган нормалардан ортикча хизмат сафарлари билан боғлиқ тўловлар.

2.6. Нодавлат пенсия жамгармаларига, ихтиёрий тиббий сугуртага ва ихтиёрий сугуртанинг бошқа турларига ажратмалар.

2.7. Нормалардан ортикча кадрлар тайёрлаш харажатлари.

2.8. Ўз хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва ҳўжаликларига сарфланган харажатлардан кўрилган зарарлар.

2.9. Ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра бир йўла тўланадиган мукофотлар ва тақдирлашлар, узоқ йил ишлаганини учун тўловлар, шу жумладан натура тўловлари, шунингдек, улар бўйича ижтимоий жамгармаларга ўтказилган суммалар.

2.10. Ходимлар харажатларини тўлаш (овқатланишга, йўл ҳақиға, даволашга ва дам олишга, экскурсияларга, саёҳатларга йўлланмаларга, спорт секцияларида, тўғарақларда, клубларда машғулотларга, маданий-кўнғилочар томошаларга, жисмоний тарбия (спорт тадбирларига, обунага ва ходимларнинг шахсий истеъмол товарларига ва бошқа шу кабиларга тўловлар).

III. Юқорида келтирилган имтиёз ва кафолатларни ўрнатиш бўйича келишувга эришилмаган тақдирда қуйидаги

харажатларни камайтириш ёки бекор қилиш талабини қуйиш мақсадга мувофиқ

3.1. Хизмат енгил автотранспорти ва хизмат микровавтобусини сақлашга сарфланадиган харажатлар, уларни ёллаш ва ижарага олиш харажатлари.

3.2. Ижара ҳамда хизмат кўрсатганлик учун уяли, йўлдош, пейжинг алоқа узелларига тўлов.

3.3. Шаҳарларо ва халқаро телефон сўзлашувлари учун белгиланган нормативлардан ортикча тўлов.

3.4. Бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари учун белгиланган нормалардан ортикча харажатлар.

3.5. Қонунчиликда белгиланган норматив ва нормалардан ортикча вакиллик харажатлари.

3.6. Умумий овқатланиш корхоналари учун бепул бинолар бериш харажатлари, уларга коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш ва бошқалар.

3.7. Ҳўжалик юритувчи субъект соҳасига тўғри келмайдиган касблар бўйича олий ўқув юртлирида кадрлар тайёрлаш харажатлари.

3.8. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлмаган саломамлиқни муҳофаза қилиш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирлари харажатлари.

3.9. Ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тааллуқли бўлмаган атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ортикча ташлаганлиги (оқизганлиги) учун йўл қўйиладиган нормалардан ортикча тўловлар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоя қилиш бўлими



Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига, уларнинг билим олишига алоҳида эътибор берилмоқда. Таълим тизимидаги ўзгаришлар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқинда Марҳамат туманида яна бир ўқув даргоҳи - қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган касб-хўна қоллежи иш бошлади. Коллеж замонавий усулда бунёд этилган бўлиб, беш йўналишдаги мутахассисларни тайёрлайди.

Суратларда: 1. Хўқўшунослик бўлими талабаси Хўрматой Йўлчиева тарих фани бўйича ўтказилган вилоят олимпиадасида биринчи ўринни олди. 2. Билим даргоҳининг умумий кўриниши.

Бахтиёржон ХАМРОКУЛОВ олган суратлар.

КИЧКИНТОЙЛАРБОП СОЗЛАР

Миллий халқ қолғу асбоблари тарихини тадқиқ этиш йўлида мутахассислар самарали изланишлар олиб боришмоқда. Айниқса, рубоб, дутор, доира каби соз турлари бўйича муҳим тарихий маълумотлар қўлга киритилди.

Тошкент Давлат консерваториясининг илмий-тажриба-намуна лабораторияси бу борада кўп хайрли ишларни амалга оширмоқда. Лаборатория ходимларининг болаларга мослаштирилган миллий қолғу асбобларини яратиш бўйича изланишлари ахши самара берди.

Шуниси муҳимки, бу хил созларни болалар бочасида чалишни ўргатиш тадбирлари ҳам кўрилди. Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятидаги қатор болалар боччаларида олиб борилган кузатишлар мактабгача тарбия муассасаларида соз турларини чалишни кенг йўлга қўйиш мумкинлигини исботлади.

«Туркистон-пресс»

Мустақиллик мевалари

Ўзбекистоннинг пешқадам олимлари, йирик мутахассислари кейинги йилларда Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 166-иқтисодиёт лицейи фаолиятига юқори баҳо бермоқдалар. Чунки бу ерда мустақил юртимиз учун салоҳиятли ёшлар тарбияланмоқда. Мазкур мактабда 1996 йилдан бери иқтисодиёт таълими бўйича етуклик аттестати олган ўқувчиларнинг юз фоизи олий ўқув юртига киришга эришмоқдалар.

борадаги билимларини оширишга қаратилган. Мактабда иқтисодиёт музейи ташкил этилган. Бу ўқувчиларни иқтисодиёт оламига олиб қиради. Бу ерда ўқувчилар кучи билан Республика Президентини Исрол Каримовнинг ҳар бир китоби асосида альбом-

БУ ЛИЦЕЙГА ҲАВАС ҚИЛИШАДИ

«Солиқ ва боғхона хабарлари» газетаси юқори синф ўқувчилари учун «Мен солиқлар тўғрисида нималарни биламан» танловини ўтказганда, ушбу лицей талабаларининг билимдонликлари республика жамоатчилигини лол қолдирди. Унда республикадаги мактаблардан минг нафардан кўпроқ энг иқтидорли ўқувчилар қатнашган бўлса, биринчи етти ўриндан олтинчигача 166-лицей талабалари эгалладилар. Катта йиғинда уларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ТАСИСнинг Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази, АҚШнинг Ўзбекистондаги Тинчлик Корпусининг ҳамда «Солиқ ва боғхона хабарлари» газетасининг дипломлари тантанали суратда топширилди.

килиш ҳақида ҳам бормоқда. Мазкур лицей педагогик жамоаси бошланғич синф ўқувчиларига иқтисодиёт билимлари асослари ни бериш бўйича бой тажрибага эга. Биринчи синф ўқувчилари учун иқтисодиёт белгилари киритилган ўқув дастурини ишлаб чиққанлар.

Албатта, бундай ютуқлар жамоа аъзоларининг тинмай изланиши, машаққатли меҳнатлари натижасидир. Ҳар бир фан ўқиётганда ўқув дастурига иқтисодиёт бўйича машғулотлар киритилди. Ҳатто она тили дарсларида ҳам иқтисодиёт тушуinchalari ўрганилади. Математика дарслари эса иқтисодиётни ўрганиш бўйича ихтидорли лабораторияга айланган. Алоҳида машғулотларда муаммоли вазиятлар ҳосил қилиниб, иқтисодиёт ибоблари ва тушуinchalari чукр ва атрофлича сингдрилишига асос яратилди.

лар тайёрланган. Ўқувчиларнинг иқтисодиёт бўйича курс ишлари, рефератлари ҳам шу ерда сақланади. Хуллас, бу ер ҳам ёшларнинг ажойиб лабораториясига айланган. Мазкур мактаб ўқувчилари эса кўпгина ўқув дарсликлари, илгор ишларнинг муаллифларидир.

Қ.Ниёзов номли Ўзбекистон педагогика-илмий-тадқиқот институти худди шу лицей муаллимлари яратган «Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик» ўқув курсини тасдиқлади ва «Ўқитувчи» нашриётида ўқув қўлланмаси сифатида нашр қилинди. Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасининг «Ахборот тўплами»да 166-лицейнинг ўқувчиларда иқтисодиёт муносабатларини ривожлантириш бўйича илгор тажрибаси намуна сифатида берилди.

Яқинда лицей ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими В.Матвеев юқори

Бундан 30 йил аввал Тошкентда ўз фаолиятини бошлаган 8-темирбетон буюмлари заводи бугунги кунда йирик қурилиш саноати марказига айланган. Корхона ўшанда пойтахтнинг Чилонзор туманида бунёд этилаётган янги турар-бетон биноларини темирбетон конструкциялари билан таъминлаб турган эди.

Мазкур завод Тош-

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ тараққиёт Дастури ҳамкорлигида интернет-технологияларни ривожлантириш ва уларни Ўзбекистонда ёйиш учун имкониятлар яратиш бўйича лойиҳани амалга оширишга киришилди, - деб хабар беради БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ахборот бўлими «Туркистон-пресс» мухбирига. Лойиҳани молиялаштиришда «Ўзбекистон - Очиқ жамият» институти ҳам қатнашаётди.

Лойиҳанинг асосий мақсади, аҳолининг кенг қатламларини Интернетга текин жалб этиб, бутун жаҳон ахборот ҳамжамиятига мамлакатимизнинг қўшилишини таъминлашда ёрдам беришдан иборат. Гап таълим, фан, маданият муассасаларида янги технологик заҳираларни яратиш ва уларни жаҳон ахборот тизимига киришини кенгайтириш имкониятлари хусусида бормоқда. Лойиҳа доирасида Республика Фанлар академияси барча бўлимлари интернет тизимига кириш имконини қўлга киритади. Бундан ташқари, Тошкентда ва мамлакатнинг икки вилоятида замонавий ахборот технологияларига ўқитиш бўйича ўқув марказлари барпо этилади. Лойиҳанинг 250 миллион АҚШ доллари БМТ Тараққиёт Дастури ва қолган ярми «Ўзбекистон - очиқ жамият» институти томонидан ажратилади. Ўзбекистон томони 150 минг АҚШ доллари микдоридagi моддий-техник базасини яратиш, мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлайди.

«Туркистон-пресс»

ЙИГИРМА МЕТРЛИ КРАН

кент метрополитени қурилишини ҳам темирбетон ашёлари билан таъминламоқда. Шу мақсадда «Тошкентметроқурилиш» трести билан шартнома тузилди. Эндилкида заводда ишлаб чиқарилаётган темирбетонлар ерошти йўлининг Юнусобод йўналишини бунёд этишда кенг фойдаланилмоқда. Метронинг Ҳабиб Абдуллаев бекатида пардозлаш ишларини олиб боришда ҳам бу хил қурилиш материаллари қўл келди.

Бундан ташқари, Тошкент метрополитенининг навбатдаги «Собир Раҳимов - Сирғали» йўналишини тиклаш учун ҳам қўллаб темир-бетон конструкциялари етказиб берилди.

А.АЛИЕВ.

Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шуқур қил

Зарурат юзасидан йўл ёқасидаги суратхонага кирдим. Сураткаш йиғит собиқ ўқувчиларимдан экан. Тавозе билан кутиб олди. Лекин сал ўтмай кўнглини қолдирди.

— Фалончи домла, - деди сураткаш марҳум ўқитувчилардан бирининг номини тилга олиб, - «одам бўлмайсан» деб эдилар. Мана, худого шуқур, бировдан кам эмасман. Уй-жойли бўлдим, машина бор. Топиш-тутишим ҳам ёмон эмас. Одам бўлиш шунчалик бўлар-да.

Сураткаш янги очилган «Родоли» сигаретасини кафтига қоқиб, «чекасизми?» дея менга узатди. Йўқ, деганимдан сўнг сигаретни пачкаси билан озгиза олиб бориб, бир донасини лабига қистириб, гапида давом этди:

— Домла, аммо сиз зўр ўқитар эдингиз, шеърни ҳам қойил қилиб ўқиб кўярдингиз-да!

Аслида-ку ҳар қандай ўқитувчининг ўз шоғирдига нисбатан «одам бўлмайсан» деб башорат қилиши ўта калтабинлик. Шунини ҳис қилиб, сураткашнинг гапида жон борлигини идрок қилиб турсам-да, ўқитувчи шаънига айтилган гапни ҳазм қилолмадим. Қолаверса, унинг муомаласига муносабат билдирмай кетишим, кимларгадир яна ана шундай замзама қилишига йўл очганини ўйлаб ўзини ҳам «суратга тортидим».

— Билиб қўй, марҳум сени «одам бўлмайсан» деб тўғри айтган эканлар. Ҳар қандай киши бойлик орттириши, мартаба амалдор бўлиши мумкин. Лекин одам бўлишни бойлик билан ўлчайдиган бўлсанг мутлақо янглишасан.

Бу воқеа руҳиятимга ёмон таъсир қилди ва маҳаллаимиз қарияларидан эшитган бир ривоят

ёдимга тушди: Қадим замонда чекка бир қишлоқда чол билан кампир яшар эканлар. Уларнинг вояга етган бир ўғил ва бир қизи бор экан. Чол кўпни кўрган, билими, доно бўлган учун қишлоқ аҳли уни ҳурмат қилар, кимнинг бошига иш тушса, у кишига озор берар экан. Бора-бора чолнинг обрўсига путур ета бошлабди. Қишлоқ катталари танбех беришса, бола «хамма нарсани ўзим биланман, отам ҳам менинг орамдан кун кўриб юрибди», дея мақтанчоқлик билан худбинлигини ошқор қиларкан.

кўтардингиз, - дебди ва навкарларнинг калтаги зарбидан кўкариб мамалалоқ бўлган елкаларини очиб кўрсатибди. - Сиз одам бўлганингизда, умрим поғнига етай деб турган бир пайтда шу аҳволга тушмасдим.

Шоҳ чолни тутиб келтирган навкарларни дарҳол ўлмага буюрибди. Шунда чол норози бўлиб, «Навкарларда айб йўқ. Айб сизнинг фаросат-сизлигингизда. Нега беғуноқ қон тўқмоқсиз?» - дея навкарларни ўлдирмасликни сўрабди ва сўзида давом этибди: Мен сизни олим бўлмайсиз, шоҳ бўлмайсиз демаганман. Сизнинг каллангиз бутун, ҳар нарсага ақлингиз, билимингиз етарли эди-ю, худойим фаросатдан қисиб қўйган...

Шоҳ биринчи марта бу ҳақ гап олдида афсус-навожат ила бош эгбиди...

Икром РАСУЛОВ.

ЎКИНЧ

шидан маслаҳат олар экан. Лекин ҳар тўқисда бир нуқсон деганларидек, чолнинг яқка-ю яғона ўғли ўқимишли бўлиб етишгани билан табиатда одобсизлик мавжуд экан.

Чол ўғли тарбияси ҳақида кўп қайғулар, унга эзгуликни сингдиришга тинимсиз ҳаракат қилар экан-у ўғил эса насихатни қулоққа олмас, худда-бехудга жанжал қиқариб, ота-онаси ва

ча фуқаролар хизматимда ҳозир ноқир. Қалай, одам бўлибманми? — Йўқ! - дебди чол.

Шоҳ жаҳл аралаш «Нега?» деб сўрабди.

— Негаки, сиз хали ҳам одам эмассиз. Агар одам бўлганингизда, фаринг қишлоқдаги чолни тутиб кел демай, унинг хузурига борардингиз, оёқларига бош уриб уэр сўрардингиз, ҳасратингиздан кўр бўлиб қолган онангизни бошингизга

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАДИ

«Бухоротекс», «Бухороё», «Бухорон», «Бухорон» ҳиссадорлик жамиятлари ва «Муаллиф» босмаохонаси меҳнат жамоаларининг 2000 йил 11 март кунини умумхалқ байрами Наврўзга бағишлаб хашар ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси вилоят аҳли томонидан кенг маъқулланди. Вилоят ҳокимининг шу муносабат билан қабул қилган қарориди шаҳар ва туман ҳокимликларига, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилотларга, жамоа ва фермер хўжалиқларига, қишлоқ ва маҳаллаларда, барча аҳоли истискомат жойларида, меҳнат ва ўқув жамоалари, кўча ва хиёбонларда умумхалқ хашарини ташкил этиш ва зўр уюшқоқлик билан ўтказиш топширилди.

Хашардан тушадиган маблағ халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлимининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Байрам кунлари жамғарма бу маблағ ҳисобига хайрия тадбирлари ўтказиши, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганларга моддий ёрдам кўрсатади.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ИТАЛИЯ КЛУБЛАРИ ПЕШҚАДАМ

Европа ҳар ҳафта қитъа етакчи футбол клубларининг эгаллаб турган маъқовини аниқлаш одат тусига айланаётди.

Рейтер ахборот агентлигининг Лондондаги қароргоҳида эълон қилинган ўтаётган ҳафта рейтингидан 20 та кучли футбол клуби жой олган. Унга кўра, аввалги ҳафтада иккинчи ўрин соҳиб бўлган Мюнхеннинг «Бавария» жамоаси ўз миллий чемпионатида «Гамбург» билан дуранг ўйнаб, тўртинчи поғонага тушиб қолди. Италия чемпионатининг карвонбошиши «Лацио» жамоаси мазкур рейтингда қарийб 17 ҳафтадан бунён пешқадамликни қўлдан бермаётди. Уларнинг ватандошлари - «Милан» ва «Ювентус» жамоалари эса иккинчи ва учинчи ўринларни ишғол этиб туришибди.

«Рома», «Интер», «Парма» клубларининг ҳам кучли йигирмаликдаги жой олгани сабабли Италия рейтингда сардорлик қилмоқда. Ўтган йили тўртта мусобақанинг чемпиони сифатида футбол оламида шов-шувга сабаб бўлган Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоасига бу гал олтинчи поғонага насиб этди. Ажабланирли томони шундаки, Киевнинг «Динамо», Москванинг «Спартак», «Барселона» (Испа-

ния) каби машҳур футбол жамоаларига эгаллаб турган ўринларини бўшатишга тўғри келди. Аксинча, маъқовини тобора мустаҳкамлаб бораётган «Олимпикос» (Греция), «Славия» (Чехия) жамоалари бу ҳафтада кучли йигирмаликка кирди.

Европа футбол клубларининг мазкур рейтингини жорий мавсумдаги натижаларга, миллий чемпионатдаги кучлар нисбати, яъни, ғалаба ва мағлубиятлар, киритилган тўплар, қолаверса, Евроклуб баҳсларида эришилган натижаларнинг йиғиндисига кўра аниқланди.

ХУЖУМЧИЛАР МОЖАРОСИ

1994 йилги Жаҳон чемпионатида маҳорати билан Бразилия терма жамоаси чемпионлигига катта ҳисса қоқиб, йилнинг энг яхши ўйинчиси номига сазовор бўлган Ромарио ўзи тўп суратган «Васко да Гама»даги клубдоши Эдмундо билан тил топиша олмаётди.

Чарм тўп усталари ўртасидаги можаронинг келиб чиқиши бир йил аввал Ромарио ўзининг тунги клуби хожатхонаси эшигига Эдмундонинг суратини осиб қўйишдан бошланган.

«Туркистон-пресс»



Баҳор нафаси яқин. Р.АЛБЕКОВ олган сурат

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибати 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чика бошлаган

Маънавийлик: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Маъбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерлари терилли ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ўйинчи А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмаохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширишда 22.00